

Халқ Сўзи


1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING GAZETASI

24 апрель, пайшанба, 1997 йил
Сотувда эркин нархда. № 89 (1606)

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISINING SAKKIZINCHI SESSIASINING OCHILISHI TUGRISIDA
Биринчи чакірік Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси бугун, 24 апрель куні соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISINING DEPUTATLARI DIKQATIGA
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари бугун, 24 апрель куні соат 8 дан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси мажлислар залининг фойесіда рўйхатга олинади.

ИШОНЧ ЁРЛИГИ ТОПШИРИЛДИ



23 апрель куні Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Корей Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Ч Ёнг Ха ишонч ёрлигини топширди.
Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Корей Республикаси ўртасіда жадал сурьатлар билан ривожланиб бораётган муносабатлардан мамнуният

изҳор этаркан, Ч Ёнг Ханинг юртимиздаги фаолияти икки давлат манфаатларига бирдек хизмат қилишига умид билдирди. Шарафли ҳамда масъулиятли вазифасини бажаришда элчи жанобларига муваффақият тиледи.
Корей Республикаси элчиси айнан ўзбек диёрида фаолият кўрсата бошлаганига гоат мамнун эканини изҳор этиб, ўз миссияси давомида мамлакатларимиз

ва халқларимиз ўртасідаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлашга астойдил ҳаракат қилажанини билдирди.
Ишонч ёрлигини топшириш маросиміда ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.
(ЎЗА).
СУРАТДА: Ишонч ёрлигини топшириш пайти. А. Тўраев тасвирга олган.

БУГУН ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISINING SAKKIZINCHI SESSIASI ISH BOSHLAYDI

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISIDA

23 апрель куні вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, партия фракцияларининг раҳбарлари, шунингдек парламентада доимий асосда ишлаётган депутатлар иштирокида Олий Мажлис Кенгашининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.
Олий Мажлис Раиси Э. Халилов олиб борган Кенгаш мажлисида Олий Мажлис саккизинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.
Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б. Бугровнинг ў раҳбарлик қилаётган депутатлар ишчи гуруҳининг саккизинчи сессияга тайёргарлик ишлари тўғрисидаги ахбороти тингланди.
Хусусан, сессияга доир барча масалалар Олий

ФРАКЦИЯЛАР ЙИГИЛИШИ

23 апрель куні республика Олий Мажлисидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси депутатлар фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция раиси Абдулҳафиз Жалолов «Манфаатларимизнинг ҳуқуқий негизлари тўғрисида» маъруза қилди. Шунингдек, мамлакат парламенти саккизинчи сессиясига кўрилиши мўлжалланаётган масалалар юзасидан фракциянинг умумий нўқтаи назари ишлаб чиқилди ҳамда сессияда қабул қилинажак қонун ва бошқа муҳим ҳужжатлар лойиҳаси хусусида таклиф ва фикр-мулоҳазалар билдирилди.
Йиғилишда Ўзбекистон Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Б. Шодиева сўзга чиқди, республика Бош вазири ўринбосари Д. Фулмова иштирок этди.
(ЎЗА).

Кеча «Адолат» социал-демократик партиясининг Олий Мажлисидаги депутатлар фракцияси аъзоларининг йиғилиши бўлди. Уни фракция раҳбари, «Адолат» социал-демократик партияси Сийёсий Кенгашининг котиби Анвар Жўрабоев олиб борди.
Йиғилишда Олий Мажлис сессияси кун тартибига киритилган масалалар муҳокама қилиниб, депутатларнинг қонун лойиҳалари юзасидан билдирган таклиф-мулоҳазалари тингланди. Сўзга чиққан фракция аъзолари мазкур қонунлар мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг амалга оширишида муҳим восита сифатида хизмат қилишини алоҳида таъкидладилар.
Йиғилишда Олий Мажлис Раисининг ўринбосари А. Қосимов иштирок этди.

ЭЗГУЛИККА ЙЎҒРИЛГАН ОНЛАР

Олий Мажлиснинг мажлислар зали фойесидан репортаж

Она юртимиз мустақилликни қўлга киритгандан бунён бўлиб ўтган ҳар бир сессиянинг мамлакатимиз ҳаётидаги аҳамияти беқиссидир. Бунди Ўзбекистон парламенти зарвақларини кўздан кечирган одамнинг пайқашни қийин эмас. Ишонимизки, юртиниз хаяжонга бурканади. Бўлиб ўтган сессияларда муҳокама этилган масалалар мамлакат тараққиётининг кафолати эканлигига ишонч ҳосил қиласиз. Мамлакатимиз Парламенти фаолиятида ана шундай эзгуликка йўғрилган ҳолатлар жуда кўп.
Ҳар бир ўтган сессияда буюқ ишларга тавмал тоши қўйилади. Президентимиз Ислам Каримовнинг сессия зали миғабаридан туриб Ўзбекистонни мустақил мамлакат деб эълон қилган лаҳзаларни бир кўз олдигизга келтиринг. Бу буюқ дақиқалар эмасмики? Жаҳонни лоп қолдираган бу воқеанинг аҳамияти халқнинг дилини ёритиб юборган, янграган қарсақлар ана шу замин ларзага келтирмаганмики? Яна эсланг. Мустақил Ўзбекистон Давлат байроғи. Давлат маҳияси, Давлат рамзи шу сессия залида депутатлар муҳокама қилиниб, шу ерда маъқулланмаганми? Мустақиллигимиз барқарорлиги шу тарихка ана бир бор таъдигини топмаганмики?

Ижтимоий-сийёсий жиҳатдан жадал тараққий этиб бораётти. Комил жамият яратиш, комил инсонларни тарбиялаш халқимизнинг эзгу мақсидидир. Бу эзгулик сари биринчи қадам эса шу ердан — Олий Мажлис сессияси залидан бошланган, десак муболага бўлмайд.


Бугун эзгуликка йўғрилган буюқ лаҳзалар кечалиги муҳташам бино яна депутатлар билан тавжум. Уларнинг қўёғасидан масъулият ва дахлдорлик ҳиссини ўқиб олиш жуда осон. Депутатлар сессия кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан сессия зали фойесидан чогларда ҳам фикрлашадилар, баҳс-мунозара қиладилар.
Биз уларнинг бир нечасини суҳбатга тортидик.



Утган тўрт ой давомида у ниҳоятда қаттиқ муҳокама қилинди ва қатор қўшимча ва ўзгаришлар киритилди. Уйлайманки, бу кодекс лойиҳаси сессияда депутатлар муҳокамасидан ўтиб, маъқулланади. Бошқа масалалар ҳақида ҳам истаганча гапириш мумкин.



Мукаррамхон АЗИМОВА,
14-Сирғали саялов округидан депутат:
-- Бугунги ўтиш жараёнида ҳар бир сессиянинг тарихий аҳамияти бор. Жумладан мазкур сессия ҳам Ўзбекистон тарихи солломасидан алоҳида ўрин олади. Чунки унда қабул қилинадиган қонунлар ўтказилаётган ислохотлар талаб этаётган ҳуқуқий асосларни белгилаб беради. Бўлиб ўтган сессиялар қатори би анжуман ҳам ўзининг кун тартиби билан ажралиб ту-



ради. Депутатлар сессияга кўтаринки руҳ, ишчанлик кайфияти билан келганликларини кўриб турибсиз. Менимча, ўтган сессия ва шу вақт оралиғида қилинган ишлар салмоғининг юқорилиги улар дилига кўтаринчилик бағишлайпти. Дарҳақиқат, мамлакатимиз ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар, мустақиллик йўлидаги дадил қадамлар бизга куч-қувват бағишлайпти. Бунинг устига икки ярим йилдан бери фаолият кўрсатаётган депутатлар узларини мамлакатимиз келажакига дахлдор, деб билдиладилар. Чунки ҳозир ишлаётган қонунларнинг қабул қилинишида, ҳаётга ижобий таъсирида уларнинг ҳар бирининг маълум ҳиссаси бор.
Ишонимизки, сессия ниҳоятда қизғин, ишчанлик руҳида ўтади. Ишга масъулият билан ёндашиш ҳар бир депутатнинг бурчи эканлигини англаган депутатларимиз ҳам масалаларни чуқур таҳлил этадилар. Ўзбекистоннинг келажакига масъулият ҳисси уларни шунга ундайди.
Ойбек РАХИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Т. Каримов олган сурат.

Шу куні «Ватан тараққиёти» партиясининг Олий Мажлисидаги депутатлар фракциясининг ҳам йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиши «Ватан тараққиёти» партиясининг раиси Анвар Йўлдошев кириш сўзи билан очиб, кун тартибига дами масалалар тўғрисида тўхтади.
Олий Мажлис сессияси кун тартибига киритилган масалалар бўйича фракция котиби, ҳуқуқшунос Аҳтам Турсунов сўзга чиқиб, сессияда кўриладиган қатор қонунларга қисқача шарҳ берди. Бу қонунларнинг барчаси Инсон манфаатларига хизмат қилиши, мамлакат тараққиётига катта улуш қўиши шубҳасиз эканлиги алоҳида таъкидланди. Фракция аъзолари сессия кун тартибига киритилган масалаларни маъқуладилар.
Фракция йиғилишида партия фаолиятига оид бошқа масалалар ҳақида ҳам маслаҳатлашиб олинди.

МУҲОКАМА ҚИЗГИН ЎТДИ

Кеча Олий Мажлисидаги ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блокнинг йиғилиши бўлди. Уни блок раҳбари, Олий Мажлис депутати Алишер Мардиев олиб борди.
Йиғилишда Олий Мажлис сессияси кун тартибига киритилган масалалар номма-ном муҳокама қилинди. Сўзга чиққанлар Қонун лойиҳалари ҳар жиҳатдан пишиқ-пухта тайёрланганини, халқро андозаларга тўла мувофиқ келишини таъкидлаб, уларни бир овоздан маъқуладилар.
Ўз мухбиримиз.



Шакаржон ХЎЖАНИЕЗОВА,
239-Богоғ саялов округидан депутат:
-- Республикаимизда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот масалаларига алоҳида эътибор берилаётганини мамлакатимизнинг буюқ келажакини таъминлаш, халқ фаровонлигини ошириш учун қайғуриш деб баҳолаш лозим. Сессия кун тартибидан муҳим масалалар ўрин олганидан қониқиш ҳосил қилдим. Негаки, қаерда қонун устувор бўлса,



ва халқларимиз ўртасідаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлашга астойдил ҳаракат қилажанини билдирди.
Ишонч ёрлигини топшириш маросиміда ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.
(ЎЗА).
СУРАТДА: Ишонч ёрлигини топшириш пайти. А. Тўраев тасвирга олган.


ОЛИЙ МАЖЛИС ҚЎМИТАЛАРИДА

Қонунлар мамлакатимизда амалга оширилаётган барча соҳадаги ислохотларнинг самардорлигини таъминловчи воситалардан бири эканлиги, барча соҳа ва тармоқларга доир қатор қонунлар яратилганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ушун, улар жойларда қандай ижро этилмоқда? Олий Мажлис Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитасининг навбатдаги йиғилишида айнан шу масала, яъни амалдаги қонунларнинг жойларда қандай ижро этилаётганини ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Йиғилиши қўмита раисининг ўринбосари М. Икромов олиб борди.
Қўмита ҳамда унинг иш режасига мувофиқ тузилган гуруҳ аъзолари «Уруччилик тўғрисида»ги Қонуннинг Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирилик ҳамда Самарқанд вилоятида бажарилишини ўрганиб, тегишли вазирилик, идора вакиллари иштирокида атрафлича муҳокама қилдилар.
Жойларда ушбу Қонуннинг бажарилишида ютуқлар билан биргаликда талай камчиликлар ҳам борлиги аниқланди. Масалан «Уруччилик тўғрисида»ги Қонун қабул қилинганига саккиз ой бўлишига қарамай, у вазириликнинг ҳайъат йиғилишида ҳали бирор марта кўриб чиқилмаган, ҳатто, вазириликнинг бу ҳақдаги қарори ҳам қабул қилинмаган. Ушбу Қонуннинг Самарқанд вилоятидаги ижросида ҳам муваффақиятлар билан бирга бир қанча камчиликлар қайд этилди.
Йиғилишда қўмита аъзолари Олий Мажлисининг келгуси сессияси муҳокама қилиниши мўлжалланаётган «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати» ва хавфсизлиги тўғрисидаги қонун лойиҳаси хусусида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.
Шунингдек, йиғилишда Олий Мажлиснинг бугунги сессияси кун тартибига киритилган масалалар муҳокама қилиниб, маъқуладилар.
Йиғилишда Олий Мажлис Раиси ўринбосари А. Қосимов қатнашди.
И. ХУДОЕВОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БУХОРОНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИГА

«БУЮК УЛУФВОРЛИК ШАҲРИ»

Қадимий Бухоро ўзининг икки минг беш юз йиллиги тантаналарига кизгин хозирлик кўрмоқда. Республика Вазирилари Маҳкамасининг қарорига мувофиқ бу кутлуғ сана юртимиздаги на эмас, балки жаҳон миқёсида ҳам кенг нишонланади. Хусусан, БМТнинг маориф, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти -- ЮНЕСКОнинг Франция пойтахти Париждаги қароргоҳида юбилей тантаналари, илмий анжуманлар, ўзбек санъаткорларининг байрам концертлари ўтказилади.



Юбилей муносабати билан мамлакатимиз тарихи олимлари милoddан беш юз йилдан кўпроқ вақт муқаддам курилан шаҳар тарихининг унутилмас саҳифаларига истиқлол нуқтаси назардан кўз ташламоқдалар. Зотан, Буюк ипак йўли ёқасида жойлашган бу илму урфон шаҳри жуда кўп унутилмас воқеаларни бошдан кечирди. Неча марта юксалиб, неча марта таназулга учради, не-не фотиҳу ҳукмдорларнинг қирғинбаротлари ичида қолди. Лекин ҳар гал худди асронавий самандар қўш янгири балога қазолардан омон чиқди.

Шаҳарда бўлган италиялик сайёҳ Марко Поло ҳайрат ила уни «Буюк улувворлик шаҳри» деб атайди. Юртнинг асл фарзандлари -- олим фузалолар унинг довуруғини бутун дунёга ёйдилар. Абу Али Ибн Сино Бухорои шарифнинг абадий сари йўлидаги биринчи қадимин кўйди. У ўн етти ашдаёқ машҳур табиб бўлиб танилди. Унинг Бухорода кўрган таҳсили натижаси ўларок, хоризжда ёзган «Тиб қонуни» ўрта аср тиббиёти фани ва амалиётининг гултожи бўлиб қолди. Машҳур муҳаддис ал Бухорий Куръони Каримдан кейинги муҳаддис калом -- Ҳадиси шарифни тўрт жилдага жойлаб, Ислам оламида

қирон Амир Темури тасарруфига ўтган, янада ривожланди. Эл-юрт эмин-эркин яшаб, хунармандлик, тужжорлик билан кўпроқ шуғуллана бошлади. Янги масжид ва мадрасалар қурилди. Мирзо Улуғбек бино қилдирган мадраса бутунги кунда ҳам шаҳарнинг фахри ҳисобланади. Урта Осиёни чор Россияси томонидан мустамакалаштириш даврида, айниқса, шўро замонининг дастлабки йилларида Бухоро бошига дахлатли қора кунлар солинди. «Халаскор» М.Фрунзенинг «Қизил лашкар»и уни аёвсиз тўшга тўтди. Эски шаҳар, Аркнинг каттагина қисми вайрон бўлди. Асрлар давомида мағрур қад кўтариб турган Минораи Калон шўро



буюк илмий жасорет кўрсатди. Нақшбанд бобомиз маънавиятимиз, иймону эътиқодимиз, турмуш тарзимиз мазмуни-моҳиятини «ди ба ёру даст ба кор», яъни дилинг Оллоҳда, қўлинг ишда бўлсин, деган илоҳий нур ила йўғрилган қисқалгина каломда тарифлаб берди. Нақшбандия тариқати хозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Бу таълимот одамларни инсофу диёнати бўлишга, ҳалол яшаб, ҳалол меҳнат қилишга даъват этмоқда. Бухоро буюк соҳиб-

ўқидан жароҳатланди. Она дивёримиз истиқлолга юз тугиб, ватанимиз озод эл обод бўлди. Бухоронинг улкан тўйи тадориги ҳам ана шу истиқлол шарофатидир. Шу кутлуғ байрам кунинда Бухоро бутун дунё кўз ўнгига қайта яшарган ҳолда ўзининг бор шон-шухрати, тароват ва салобати ила намойён бўлади. Бутун мусулмон оламида машҳур бўлган, қайта таъмирланган Масжиди Калоннинг эшиқлари яна кенг очилди. (ЎЗА).

ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирилик республикамиз мустақиллигининг 6 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида энг сара сценарийлар учун очик танлов эълон қилади.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ: Муаллиф томонидан тақдим қилинадиган сценарийларда истиқлолнинг ойдин йўли, унинг дастлабки ладил қадамларидан самаралар, Ватанини англаш, ватанпарварлик, иймон-эътиқод, мерос ва аъёнларга ҳурмат, мустақилликнинг қисқа давр ичидаги ютуқлари, халқимизнинг буюк келажакка ишончи, халқлар дўстлиги, миллий қадриятларнинг қарор топиши, юрт мустақиллиги учун курашган аجدодларимиз руҳи, ҳар бир фуқаронинг маънавий камолоти каби мавзуларни қамраб олмоғи, уларни байрам тантаналарининг устувор йўналиши сифатида бадий акс эттирмоғи лозим. Сценарийда байрам ўтказиладиган пойтахтнинг Мустақиллик майдони назарда тутилган шарт. Танлов муддати шу йилнинг 1 июлигача.

ТАНЛОВ МУКОФОТЛАРИ:

- 1 ўрин -- бир юз эллик минг сўм
2 ўрин -- юз минг сўм
3 ўрин -- эллик минг сўм
Байрам сценарийси бир ярим соатга мўлжалланиши ва уч нусхада кўчирилган бўлиб, 25-30 саҳифадан ошмаслиги лозим.
Муаллифлар ҳамфикр ва ҳамкорлик қиладиган режиссёрни тавсия қилиш ҳуқуқига эга.
Танловга бир ёки бир неча муаллиф қатнашишлари мумкин.
Сценарий қўлёзмалари тахрир қилинмайди ва қайтарилмайди.
Танлов иштирокчилари исми-шарифлари ва турар жойларини аниқ кўрсатган ҳолда ўз сценарийларини қуйидаги манзилга жўнатишлари лозим.
700129 Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси 30-уй,
1-қават, 2-хона.
Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирилик.
Тел: 44-63-73, 44-63-63.

ЧАВАНДОЗЛАР БЕЛЛАШУВИ

Тошкент отчопарида от спорти бўйича Ўзбекистоннинг аънавий команда-шахсий биринчилиги мусобақалари ниҳоясига етди. Беллашувда Тошкент шаҳри, Андижон, Фарғона, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари чавандозлари иштирок этди.

Қизлар ўртасида шахсий ҳисобда тошкентлик Н. Маъмур ва Н. Смирнова ғолиб бўлди. Эркактлар ўртасида мусобақанинг икки дастури бўйича тошкентлик А. Раҳматуллаев билан Д. Рўзимухамедов, андижонлик А. Акбаров билан У. Ҳошимов биринчиликти эгаллади. Команда ҳисобида тошкентлик чавандозлар ғолиб бўлишди. (ЎЗА).

Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитасининг Давлат патент идораси

1997 йил 1 апрелдан қуйидаги мутахассисликлар юзасидан кундузги ва сиртдан ўқиш бўйича аспирантура очилганлигини эълон қилади: 05.13.10 -- ижтимоий ва иқтисодий тизимларда бошқарув (техник фанлар, иқтисодий фанлар, юридик фанлар).
Маълумот учун Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасига мурожаат қилинг.

Манзил: Тошкент ш, Тўймепа (собиқ Ю. Фучик) кўчаси, 2а, тел: (3712) 32-00-13, 33-86-27.



МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамаси

ларнинг саногини у кишининг ўзлари ҳам билмайдилар. Ёлғиз қолган пайтларимиз базиларини менга ўқиб берган.
Миллий маданиятлар сифат ўзгаришларини бошдан кечириётган ҳозирги пайтда қадимги қўшиқлар биз учун нечоғлик зарур эканлигини билсангиз эди. Нега биз халқнинг ичида юрган қўшиқларни боғчадаги болаларимизга, мактабдаги ўқувчиларимизга ўргатмаймиз?
Субҳидамда учган қалдиригоч -- Раъно Узоқованинг шеърларини, дostonларини, ҳикояларини жамлаб, нашр этиш насибаси ҳам Тоштемир Турдиевга тақдир қилган экан. Тоштемир ака аввал бу шоира ҳақида мухтасаргина китоб ёзди, сўнг шоиранинг асарларини жамлаб, нашр эттирди.

МАЪНАВИЯТИМИЗ МЕЪМОРЛАРИ БЕЗАВОЛ ДУНЁ

Бундан бир неча йил илгари Денова Ҳожа Алоуддин Аттор ҳазратларининг илоҳий меросига бағишланган катта илмий анжуман ўтказилган. Шу баҳонада халқ қа-анча янги гаплардан хабардор бўлди. Китобдаги «Қадриятлар камол топаётган юрт!» деган мақола худди шу мавзуда.
Тоштемир аканинг қўлида сақланган халқ қўшиқларини саралаб, чоп этиш учун бир одамнинг умри етмас. Қолаверса, шу пайтгача бу қўшиқларнинг харидори ҳам йўқ эди. Шу маънода «Олтин мерос» жамғармасининг ташкил этилиши Тоштемир аканинг кўнглидагидай иш бўлди.
Тождин РАЗЗОҚ, «Халқ сўзи» муҳбири.



Қўқон шаҳрида Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чай» романи асосида кўп қисмли видеофильм суратга олинган. Бу ишни Ўзбекистон телевидениесининг бош режиссёри Маҳкам Муҳаммедов амалга оширмоқда.
СУРАТДА: М. Муҳаммедов Мирзо Анвар ролин ижро этаётган И. Маннопов билан.
И. МАМАРАҲИМОВ олган сурат.

ҚИРҒИЗИСТОН САНЪАТКОРЛАРИ АНДИЖОНДА

Андижонда Бобур номидаги Ўш вилоят театри ижодий жамоасининг гастроллари бошланди.

Шу муносабат билан Й. Охунбобоев номидаги вилоят мусикали драма ва комедия театрида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар икки халқ ўртасида асрлар бўйи давом этиб келаётган иқтисодий ва маданий аллоқларни янада ривожлантиришда санъатнинг ўрни бебаҳо эканини таъкидлади. Шундан сўнг ўшлик саҳна усталари Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов асари асосида саҳналаштирилган «Соҳибқирон» драмасини намойиш этди. (ЎЗА).

ASAKA BANK logo and text: ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ДАВЛАТ АКЦИОНЕРЛИК ТИЖОРАТ «АСАКА» БАНКИ 1996 йил давомида кўрсатган фаолияти натижалари бўйича қуйидаги молиявий ҳисоботни тақдим этади.
Манзил: Тошкент ш., Нукус кўч. 67, тел. 54-73-25, факс 54-06-59, телекс -- 116609 ASAKA RU, СВИФТ ASBKUZ 22
1 ЯНВАРЬ 1997 ЙИЛГА ТЕНГЛАШМА (БАЛАНС)

Table with 2 columns: Актив (Active) and Пассив (Passive). Rows include: Марказий банкдаги пул маблағлари ва мухбирлик ҳисоб рақами (5,828), Банк томонидан берилган кредитлар (6,001), -- қисқа муддатлилар (78), -- узоқ муддатлилар (4,559), -- банк томонидан бошқа банкларга берилган кредитлар (1,364), Банкнинг мухбир банклардаги маблағлари (нотро) (3,930), Қимматли қоғозлар билан операциялар (813), Дебиторлар ва кредиторлар (хорижий валюта билан операциялар шу жумладандир) (1,099), Асосий воситалар ва ҳўжалик анжомлари (605), Бошқа ҳисоб рақамлари (47), ТЕНГЛАШМА (БАЛАНС) (18,323), Мажбуриятлар: Мижозлар маблағлари шу жумладан, аҳоли омонатлари (6,027), Банклар ва бошқа муассасалар билан ҳисоб-китоблар (3,529), Бошқа дебиторлар ва кредиторлар (692), Жами мажбуриятлар: (10,248), Капитал: Ҳиссадорлик (акционер) капитал (5,475), Резерв капитал (2,139), Тақсимланмаган фойда (461), Жами ўз (хусусий) маблағлари (капитали) (8,075), ТЕНГЛАШМА (БАЛАНС) (18,323).

1996 ЙИЛДАГИ ФОЙДА ВА ЗАРАРЛАР ҲАҚИДАГИ ҲИСОБОТ

Table with 2 columns: Даромад (Income) and Харажат (Expenses). Rows include: 1. Берилган кредитлар бўйича фойз даромади (340), 2. Қимматли қоғозлар билан операциялар бўйича фойз даромадлари (74), 3. Бошқа фойзли даромадлар (6), 4. Фойзсиз даромадлар (584), Жами даромадлар (1,004), 1. Берилган қарзлар бўйича фойз харажатлари (211), 2. Омонат (депозит)лар бўйича фойз харажатлари (16), 3. Қимматли қоғозлар билан операциялар бўйича харажатлар (3), 4. Бошқа харажатлар (107), Жами харажатлар (337), ФОЙДА (667).

Банк фойда-зарарлари ҳақидаги тенглашма (баланс) рўй-рости «Deloitte & Touche CIS SPRL» халқаро тафтиш компанияси томонидан 17 январь 1997 йил N2 да тасдиқланган